“Ўзкимёсаноат” АЖда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар

// 03 Oktabr 2023 йил
https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azhda-ekologiya-va-atrof-muhitni-muhofaza-qilish-buyicha-sunggi-yillarda-amalga-oshirilgan-ishlar



Тармоқ корхоналарида атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш, чиқинди билан ишлаш, ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш бўйича жами 144 та чора-тадбир ўтказилди.

2023-йил январ-август ойларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлиги йўналишида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида:

Атмосферага **18884,606 тонна** ташланмалар камайишига, жумладан, **1043,66 тонна** токсик ташламалар, **6 млн м3 сув** ташланмалари камайишига эришилди; **13000 минг м3** артезиан

сувлари ҳамда **2,77 минг м3** ичимлик сувлари иқтисод қилинди; **718,1 гектар** ер техник рекултивация қилинди; **11 765,07 тонна** чиқинди утилизацияга топширилди; **117170 туп** кўчат ва **175 536 дона** гуллар экилди; **1400 туп** дарахтга зараркунандаларга қарши ишлов берилди;

“Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналари ва унга туташ ҳудудларда **360 800 кв.метр** майдонлар тозаланди; **125,450 км** масофадаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари, жумладан, йўллар, велосипед ва пиёдалар йўлаклари, энергетика таъминоти обектлари таъмирланди ва тозаланди; **241 722 кв.метр** майдондаги транспорт инфратузилмаси обектлари тозаланди; **480 850 кв.метр** майдондаги автомобил йўли ва темирйўл бўйлари бегона ўтлардан тозаланди ва ободонлаштирилди; **34 947 кв.метр** майдондаги ирригация ва мелиорация объектлари тозаланди ва тартибга келтирилди; тармоқ корхоналари ҳудудларидаги ва унга туташ ҳудудларидаги **78 311 дона** дарахтлар парваришланди, оқланди ва уларга тегишли шакллар берилди.